O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATA INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 23 APREL
SESHANBA
№ 50 (26.909)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 апрель куни Оқсаройда АҚШ Президентининг минтақавий масалалар бўйича ёрдамчиси, Оқ уй раҳбарининг Афғонистондаги махсус вакили Залмай Халилзодни қабул қилди.

Залмай Халилзод АҚШ Президенти томонидан Афғонистонга бежиз махсус вакил этиб тайинланмаган. У минтақамизни чуқур ўрганиб, муаммоларини тадқиқ этган арбоб.

Президент Ислом Каримов меҳмоннинг изланишлари билан яхши таниш эканлигини ва бу тадқиқотлар муаллиф минтақамиздаги вазиятни яхши англашидан дарак беришини таъкидлади.

— Сизнинг нуқтаи назар ва қарашларингиз кўп жиҳатдан Ўзбекистонники билан ҳамоҳангдир, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Суҳбат чоғида минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазият, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«TIME BUREAU» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА



Ҳиндистонда чоп этиладиган «Time Bureau» халқаро журнали апрель ойидаги махсус сонини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига бағишлади.

Журналда ўзбек-ҳинд савдо ва иқтисодий алоқалари, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ранг-баранг материаллар берилган.

«Time Bureau» шу йил 27 январда мамлакатимизда ўтган референдумга алоҳида мақола бағишлаган. «Ўзбекистондаги референдум — демократия намойиши» деб номланган мазкур материалда шундай сатрлар бор: «Референдум шуни кўрсатдики, халқ ўз иродаси ва жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган шахсий муносабатини бемалол ифодалай олади. У одамлар тафаккурининг ўзгариши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигининг янада ошишида муҳим омил бўлди».

Мақолада референдум чет эллик кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтганлиги алоҳида таъкидланган. Унинг муаллифи Ж.Гаутамнинг ўзи ҳам референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган.

Журналда, шунингдек, Термиз шаҳрининг юбилейи, юртимиз маънавий-маданий ҳаётига оид бошқа кўплаб материаллар чоп этилган.

■ (ЎзА)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ХИТОЙ ГОЛЛАНДИЯДАН ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ ОЛМАЙДИ

Xinhua ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитой ҳукумати мамлакатга Голландиядан гўшт маҳсулотлари импортини тақиқлади. Буни кўпчилик жавоб тақиқи, дея тушунмоқда. Негаки, Голландия раҳбарияти томонидан Европа Иттифоқи тақиқловига асосан Хитойдан жўнатилган гўшт ва балиқ маҳсулотлари Роттердамда ушлаб қолинган ва йўқ қилинган эди. Хитой вакиллари маълум қилишларича, мартнинг охирида Цзянси вилоятининг карантин комиссияси Голландиядан Хитойга келтирилган колбаса маҳсулотлари пўстида хлорамфеникол борлигини аниқлаган. Бу нарса Франция, Германия ва Ирландия олимлари томонидан ҳам аниқланган. Шундан келиб чиқиб, тақиқлов эълон қилингунга қадар Нидерландиядан Хитойга келтирилган барча гўшт маҳсулотлари текширувдан ўтказилади. Агар бирор-бир номутаносиблик аниқланса, гўшт маҳсулотлари йўқ қилинади.

ЯРАДОРЛАР ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАТИЛДИ

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистоннинг айрим ҳудудларини янглиш бомбардимон қилиши натижасида яраланган Канада армияси ҳарбий хизматчиларидан 6 нафари Германиянинг жануби-шарқидаги шифохонага келтирилди.

АҚШ Президенти Жорж Буш бундан қайғуда эканлигини билдириб, Канада бош вазири Жон Кретьенга ҳамдардлик изҳор этди.

КОМПЬЮТЕР ВИРУСЛАРИ ТАРҚАТУВЧИЛАРНИ ҚАМОҚ КУТАДИ



Европа комиссияси «кибержиноятчилик»ка қарши қонун лойиҳасини маъқуллади. Эндиликда янги қонунга кўра, компьютер тизимларидаги жиноятчилик, шу жумладан, компьютер вирусларини тарқатувчилар 4 йилга озодликдан маҳрум этиладилар.

Еврокомиссия вакилларининг эътироф этишларича, кейинги пайтда «компьютер сайтлари ва алоқа тизимларини бузишга ихтисослашган уюшган хакерлар гуруҳи фаолияти» дунё миқёсига чиқа бошлади. Шунинг учун ҳам янги қонунда ўзга компьютер тизимларига берухсат кириш, ундаги маълумотларни йўқ қилишга уриниш ёки иқтисодий фойда олишга ноқонуний уриниш — «кибержиноятчи» дея белгиланди.

ЭРТАГА ФАРҒОНАДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

ЧИНИҚИШ ВА ТОБЛАНИШ — КАМОЛОТ ЙЎЛИ

УМИД НИҲОЛЛАРИ

УЧ БОСҚИЧЛИ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМНИНГ ДАСТЛАБКИСИ ВА ЭНГ АҲАМИЯТЛИСИ

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш мақсадида уч босқичли оммавий спорт тизими яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган бу тизим 2000 йилдан амалга оширила бошланди. Умумий таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» спорт ўйинларини ўтказиш анъанавий тус олди.

Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган бундай спорт тизимини йўлга қўйиш осон кечгани йўқ, албатта. Даставвал республика олий ўқув юртлари талабалари «Универсиада»си ташкил этилди. Чунки олий ўқув юртлари маълум даражада спорт базасига эга эди. Наманганда ўтказилган дастлабки «Универсиада» муваффақиятли ўтиб, баҳсларда икки мингдан зиёд талаба-спортчилар иштирок этишди. Энг муҳими, бу мусобақа мамлакатимиз талабалари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ўтган йилнинг 30 апрель — 5 май кунлари эса Жиззахда ўрта бўғин — республика касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида илк бор «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақаларда асосан янги турдаги 287 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари қатнашди. Ўйинларнинг финал босқичига қадар баҳсларда 538 минг нафар ўқувчи иштирок этди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларида янги ажойиб анъанага асос солинди. Мусобақалар машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш институтининг 2600 даражали қуёш ўчоғида ёндирилди.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб этишнинг бундай уч босқичли узлуксиз тизими дунё тажрибасида ҳали кузатилмаган. Мамлакатимизнинг барча ёшлари, ҳар бир авлод мана шу тизимдан ўтиб, чиниқиб камолга етади. Бу ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосланган тизимдир.

Эртага бошланадиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг дастлабки ва асосий босқичи ҳисобланади. Чунки у умумий ўрта таълим мактабларининг миллионлаб ўқувчиларини спортга узлуксиз жалб қилади. Бу мусобақанинг «Умид ниҳоллари» деб номланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Таъбир жоиз бўлса, мустақил Ўзбекистонимиз мисоли бир боғ, бугун вояга етаётган ёшларимиз унинг кўкка бўй чўзаётган ниҳолларидир.

Ана шундай улуғ мақсадлар билан биринчи маротаба ташкиллаштирилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари республика финали Фарғонада ўтказилаётганидан вилоят аҳли ҳар қанча фахрланса арзийди, албатта.

— «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг вилоятлардаги мусобақалари юқори савияда ўтказилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита масъул котиби Турсунқул Муҳитдинов. — 2001 йилнинг сентябрь ойидан буён спортнинг 11 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда жами 6 миллион 14 минг ўқувчидан 5 миллион 300 нафари фаол қатнашди. Фарғонада бўлиб ўтадиган финал босқичда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан жами 14 та жамоа (1918 нафар қатнашчи) ғолиблик учун курашади.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЭСИЗГИНА МАДАНИЯТ САРОЙИ»

Газетанинг шу йил 28 февраль сонида чоп этилган мухбир И.Жонузоқовнинг «Эсизгина маданият саройи» сарлавҳали танқидий мақоласида Й.Зоҳидов номли фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли маданият саройининг эгасиз, қаровсиз, ташландиқ ҳолда турганлиги ҳақида ёзилган эди. Ушбу танқидий мақола туман ҳокимлигида ўтказилган умумий йиғилишда муҳокама қилинди, мақолада кўрсатилган фикрлар тўғри ва ўринли эканлиги эътироф этилди.

1993 йилда айрим техник сабабларга кўра ёнғин чиқиши оқибатида мазкур маданият саройининг ички қисми ёниб кетган. Шу сабабли ҳозирги кунда фаолият кўрсатмаяпти. Маданият саройини тўлиқ ишга тушириш ва таъмирлаш учун катта маблағ талаб этилади, лекин Йўлдош Зоҳидов номли хўжаликнинг иқтисодий аҳволи анча ночор бўлганлиги сабабли уни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш имконияти бўлмаяпти.

Хўжалик раҳбарияти билан келишилган ҳолда, бинони қайта таъмирлаб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўладиган хомашё ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очиш режалаштирилган.

Туман ҳокимлиги маданият саройида аҳолига қулайликлар яратиш борасида барча имкониятлардан фойдаланиш чорасини кўради.

■ **Арнасой туман ҳокими Н. АЛИМЖОНОВ.**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛАДИ

Вилоят прокуратураси томонидан Боғот туманида жойлашган Огаҳий номли «Машина-трактор парки ОТҲЖ» раҳбари Р.Абдуллаевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида бир гуруҳ механизаторларнинг ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам 2002 йил 1 февраль ҳолатига кўра, ҳиссадорлик жамиятининг ўз ишчиларидан 302,6 минг сўм муддати ўтган қарзи бўлган.

Ушбу ҳолат аризагўйларнинг муқаддам вилоят прокуратурасига ёзган аризаси юзасидан ўрганиб чиқилиб, жамият раҳбари Р.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги сабабли 6860 сўм жаримага тортилган. Шунингдек, аризагўйларга прокурор аризаси билан фуқаролик иши бўйича суднинг ҳал қилув қарорига асосан жамиятдан 302,6 минг сўм иш ҳақини ундириш масаласи ижрога қаратилган.

Аризада кўрсатилган корхонада содир қилинаётган талон-торожликлар билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли вилоят ҳудудий текширишларни мувофиқлаштириш комиссиясининг шу йил 25 февраль кунги 06-0656 сонли хулосасига кўра, «Ўзагромашсервис» уюшмаси идораларида текшириш ўтказиш жорий йилнинг август ойида режалаштирилганлиги муносабати билан бу иш шу муддатга кечиктирилди.

Текшириш натижалари тўғрисида аризагўйларга ёзма равишда хабар қилинди.

■ **Хоразм вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Д. ИСРОИЛОВ.**

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ВА ТАЖРИБАСИ

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

Парламентимизнинг икки палатали бўлиши ҳуқуқий-демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз учун янги муҳим босқич ҳисобланади, бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, аҳамиятли жиҳатларини татбиқ этиш мустақил давлатимиз учун эътиборга моликдир. Шу ўринда икки палатали парламентнинг тузилиши ва қандай ижобий томонлари билан инсоният эътиборини ўзига тортмоқда, деган саволнинг туғилиши табиий.

Биринчидан — қабул қилинган қонунларни яна бир бор юқори палата томонидан кўриб чиқилиши, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиради, пухта ва узоқни ўйлаб қабул қилинган қонунларни жиддий муҳокамалардан сўнггина қабул қилинишига замин яратади;

иккинчидан — айрим партиялар, гуруҳлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан қонунларнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилади;

учинчидан — қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро алоқалар мутаносиблигига олиб келади;

тўртинчидан — қонун қабул қилиниши жараёнида палаталар ўртасидаги фикрлар хилма-хиллигининг ривожланиши, бу борада турли хил маданиятли дебатларнинг кучайиши ва профессионал парламентаризм институти ташкил топишига имконият яратади;

бешинчидан — қуйи палата кўринишида бевосита ҳар куни парламентда фаолият юритадиган кучли депутатлар гуруҳларининг шаклланишига хизмат қилади;

олтинчидан — парламентимизнинг жаҳон ҳамжамияти парламентлари ўртасида тутган ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг янада кучайишига олиб келади.

Икки палатали парламентнинг ҳар бир палатаси ўз раҳбарий органларига эга бўлади.

Анъанага кўра, палаталарнинг раҳбарлари спикер, раис, президент деб аталиши ҳам мумкин. Одатда қуйи палаталарда спикерлардан ташқари депутатлар бир ёки икки кишидан иборат вице-спикерларни ҳамда котибларни ҳам сайлаб олиши мумкин. Баъзи бир давлатларда (Франция, Италия, Бельгия) парламентнинг маъмурий ва хўжалик ишларини олиб бориш учун квесторлар ўз фаолиятларини амалга оширадилар.

Комиссиялар — вақтинчалик ва доимий турларга бўлиниб, доимий комиссиялар ўз навбатида махсуслаштирилган ва универсал кўринишда бўлади.

Вақтинчалик комиссиялар — бирон-бир аниқ масалани ҳал этиш учун тузилиб, ушбу масала ҳал бўлгач, улар тарқатиб юборилади. Улар тергов комиссиялари, қонун лойиҳасини ўрганиш комиссиялари бўлиши мумкин.

Доимий комиссиялар — парламент палатаси тузилиши билан биргаликда ўз фаолиятини бошлаб, уларнинг ваколат муддатлари тугагунга қадар фаолият кўрсатадилар.

Дунё парламентлари ваколат доирасига назар ташлар эканмиз, шубҳасиз, унинг асосий вазифаси — қонунчилик фаолияти билан шуғулланиш эканлигига гувоҳ бўламиз. Қонунчилик жараёни қуйидаги босқичлардан иборатдир.

Биринчи босқич, қонун лойиҳаси бўйича таклиф киритиш босқичи ҳисобланиб, таклиф киритиш ҳуқуқи асосан парламент палаталари ва комиссиялари, ҳукумат, парламент фракцияларига тегишлидир.

Иккинчи босқич, қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан иборатдир. Жаҳон мамлакатларининг аксарият қисмида қонунларни муҳокама қилиш ҳар икки палатада ҳам параллел равишда кечади. Бироқ қонун лойиҳаси дастлаб қуйи палата томонидан тасдиқланади.

Учинчи босқич, анча мунозараларга эга бўлган қонунни қабул қилиш босқичи ҳисобланиб, жаҳон мамлакатлари парламентларида ушбу масала бўйича икки хил ёндашув мавжуд. Баъзи парламентлар қонунни қабул қилишда қуйи палатага кенгроқ ваколат берса, баъзилари ҳар иккала палатанинг ваколатини тенглаштиради. Шунга мувофиқ парламентлар ё заиф, ё кучли юқори палатали парламентларга бўлинади. Заиф юқори палатали парламентларда (Буюк Британия, Германия) қонун қабул қилиш бўйича юқори палата ветосини (рад этиш) қуйи палата четлаб ўтиши мумкин. Жумладан, Испания конституциясининг 90-моддасида айнан шундай ҳолат ўрнатилган.

Кучли юқори палатали парламентда эса қонун фақат ҳар икки палата тасдиғидан ўтгандан сўнггина кучга кириши мумкин. Кучли юқори палатали парламентга мисол тариқасида АҚШ парламентини келтириш мумкин. АҚШ конституциясига мувофиқ, ҳар икки палата тасдиғидан ўтган «Билль» (лойиҳа, ҳужжат) гина — қонун деб эътироф этилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ВА ТАЖРИБАСИ

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўртинчи босқич, қонун промульгацияси (тасдиқлаш) ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши босқичидир. Бу босқич юқоридаги босқичларга нисбатан энг асосийси ҳисобланиб, давлат бошлиғи томонидан қонуннинг имзоланиши ёки унга нисбатан вето қўлланилиши (рад этиш) муҳим аҳамият касб этади. Айнан вето қонунларнинг сифатли бўлишига, фильтризациясига замин яратади.

Юқорида санаб ўтилган босқичлар сари дадил қадам ташлаш учун, ўз парламентини янгидан шакллантириш жараёнида турган республикамиз Конституцияси давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлимига муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур. Бироқ Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқаришдан олдин, парламент фаолиятига доир янги қонунлар тизимини вужудга келтириш, айрим жорий қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Маълумки, ҳозирда парламент фаолиятини тартибга солувчи бир қанча қонунлар мавжуд. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали шаклга ўтиши муносабати билан тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда, уларни бир тизимга солиш, кодификациялаштириш парламент фаолиятини тартибга солувчи мукаммал ва ихчам ҳуқуқий асос яратишга ёрдам беради.

Дунё давлатлари парламентлари юқори палаталарига уларнинг аъзоларини танлаб олиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидаги тўрт босқични ўз ичига қамраб олади:

1) Тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан; бу механизм Италия парламентида яққол кўзга ташланади. 315 сенатордан иборат бўлган Италия сенатининг 75% (232 киши) можаритар тартибда бир мандатли округлардан, 25% эса (83 киши) пропорционал тартибда сайланиб олинади.

2) Кўп босқичли овоз бериш йўли билан; Францияда фуқаролар бутун парламент таркибини сайлаб оладилар, шундан кейин парламентнинг биринчи йиғилишида депутатлар ўз таркибларидан юқори палата ҳисобланмиш Пагтингга 38 депутатни сайлаб олишади, қолган 112 депутат эса парламентнинг қуйи палатаси ҳисобланмиш Одельстингни ташкил этади.

3) Тайинлаш йўли билан; Германия парламентининг юқори палатаси ҳисобланмиш Бундесрат аъзолари федерал ер ҳукуматлари томонидан тайинланади ва улар бевосита бутун федерал ерлар қизиқишлари доирасида иш олиб борадилар.

4) Мерос йўли билан; ўзига хос қизиқ босқич ҳисобланиб, фақатгина Буюк Британия парламентига хосдир, яъни лордларни мерос қолдириш ҳуқуқлари.



Юқорида санаб ўтилган босқичларнинг қай бирини татбиқ этиш ва қай бири маълум бир давлатнинг сайлов тизимига мос келишлиги, албатта, бу ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юқори палата раисининг лавозими ҳар бир давлатда ўзига хос жиҳатларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Баъзи давлатларда (Франция, Италия, Япония) у қуйи палатанинг раиси каби сайланади. Кўп ҳолларда юқори палатанинг раиси ўриндошлик асосида (ex oficio) олиб борилади. Масалан, АҚШ ва баъзи президентлик республикаларда вице-президент автоматик равишда юқори палатанинг раиси ҳисобланади. Буюк Британияда лордлар палатасига лорд-канцлер раҳбарлик қилиб, у ҳукумат раҳбари томонидан тайинланади. Канадада юқори палата раиси ҳукумат раҳбарининг тақдимномасига биноан генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Палаталарнинг раҳбарлари коллегиал органлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, Германияда Бундестаг регламентига биноан йиғилиш мобайнида палата президенти ва икки котиб томонидан президиум тузилиши мумкин. Испанияда ҳар бир палата ўз бюроларини сайлаб олади. Бюро палатанинг коллегиал органи ҳисобланиб, палата раиси, тўрт вице-раис ва тўрт котиб таркибида иш юритади. Бундай ҳолат Франция ва Италия парламентларига ҳам хосдир.

Баъзида, палата раисларидан ташқари уларнинг доимий ўринбосарлари ҳам сайланади. Улар — йиғилишларда деярли кам ҳолларда қатнашадиган раис ваколатларини амалга оширади. Масалан, АҚШ вице-президенти сенатнинг йиғилишларида кам иштирок этади (ушбу ҳолат одат тусига айланган), шунинг учун ҳам сенат вақтинчалик раис ҳисобланмиш — сенат раисини сайлайди.

Раис ёхуд раҳбарий органларнинг (бюро, президиум) ваколатлари парламентнинг деярли барча фаолиятига таъсир доирасини ўтказади. Раис ўзга давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан бўладиган алоқаларда парламент номидан иш олиб боради. У парламент иш режасини тасдиқлаш, мажлисларнинг ўтказилишида раҳбарлик қилиш, кун тартибида турган масалаларни кўриб чиқиш учун тақдим қилиш, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва овоз бериш тартиби каби муҳим ваколатларни амалга оширади.

Раис эгаллаб турган лавозими нуқтаи назардан парламентдаги энг нуфузли шахс ҳисобланиб, у парламент иш фаолиятини янада ривожлантириши ёки аксинча унга тўсиқлик қилиши ҳам мумкин. Масалан, раис баъзи бир ҳолатларда муҳолифат тарафга муддатидан ортиқ кўп сўз бериб юбориши, депутатларнинг сўзга чиқиш вақтини қисқартириши ва ўз хатти-ҳаракатлари билан фракциялар ўртасидаги тенглик тамойилига путур етказиши мумкин. Шунинг учун раисдан доим мутлақ бетараф бўлиш, у ёки бу партияларнинг манфаатларини кўзламасдан иш тутиш талаб қилинади.

Парламент иш фаолиятини амалга оширар экан, уни комиссиялар (қўмиталар)-сиз тасаввур қилиш мушкулдир. Парламент комиссиялари ёки қўмиталар — махсус органлар ҳисобланиб, депутатлардан ташкил топади. Уларнинг энг асосий вазифалари қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва баҳо бериш ҳамда қонунларнинг ҳаётга қай даражада татбиқ этилиши устидан назоратни амалга оширишдир.

Ҳар бир палата ўзининг аниқ белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади. Вакиллар палатаси молиявий масалалар билан қатъий шуғулланса, сенат халқаро шартномаларни ратификация қилиш, масъул мансабдор шахсларнинг лавозимларга тайинланишини тасдиқлаш, импичмент масаласи кўтарилганда суд вазифасини бажариш каби ваколатларни амалга оширади.

Парламентдаги Депутатлар палатаси депутатлигига ва сенат сенаторлигига сайланишда ёши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Деярли кўпчилик Европа давлатларида Депутатлар палатаси депутатлигига ўртача 22 ёшдан, сенаторликка ўртача 45 ёшдан сайланадилар.

Яна бир муҳим масала парламентдаги сенаторларнинг қайси тармоқ вакили эканлигидир. Мисол учун Ирландия парламенти сенатнинг сенаторлари турли тармоқ вакиллари ҳисобланиб, улар илм-фан, қишлоқ хўжалиги, маданият, ҳуқуқшунос ва ҳ.к. лардан иборат таркибда сайланади. Буюк Британия парламентининг юқори палатаси ҳисобланмиш лордлар палатасида ҳуқуқшунос лордларнинг мавқеи жуда кучлидир. Сенат ҳал қилувчи орган бўлиб унинг вакиллари ҳам ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кучли сенаторлардан иборат бўлишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, парламентнинг қуйи палатаси асосан қонун яратувчилиги жараёнини амалга ошириш, бу борадаги жаҳон парламентларининг тажрибаларини ўрганиш, қонунлар мониторингини олиб бориш ва илмий-тадқиқотларни йўлга қўйиш, ижро ҳокимияти органлари актларининг қонунларга мослиги анализини ўрганиши керак бўлади.

Ўз навбатида парламентнинг юқори палатаси давлат қурилиши, ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларини танлаш, ташқи сиёсий стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ва энг муҳими, қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан назоратни ташкил этиш каби масалалар билан шуғулланмоғи керак бўлади.

■ **Равшан ЖЎРАЕВ,**
Аброр АНОРБОЕВ.

ЭРТАГА ФАРҒОНАДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

ЧИНИҚИШ ВА ТОБЛАНИШ — КАМОЛОТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Умид ниҳоллари»нинг финал баҳсларида ҳар бир вилоятдан 137 спортчи, 16 нафардан мураббий ва ҳакамлар, жами 2366 киши иштирок этади. Бундан ташқари, мусобақаларни ёритиш учун юз нафарга яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашиши кутилмоқда.

Мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлашга катта эътибор берилган. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаганларга «Дамас» автомашинаси, иккинчи ва учинчи ўринлар эгаларига эса компьютер ҳамда нусха кўчириш ускуналари тақдим этилади. Шунингдек, ҳар бир ғолиб ва совриндор мусобақанинг олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда махсус дипломлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Умид ниҳоллари—2002» ўйинлари чемпионлари (битирувчи синф ўқувчилари назарда тутилмоқда) республикамиз олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия ва спортга йўналтирилган факультетлари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинадилар. Энг иқтидорли ёшлар мамлакатимиз ёшлар, ўсмирлар терма жамоаларига номзод қилиб олинади.

Мусобақалар ўтадиган Фарғона, Тошлоқ, Қиргули туманлари, Фарғона, Марғилон шаҳарларида спорт мажмуалари баҳсларга шай қилиб қўйилган.

— Мусобақалар вилоятнинг қайта жиҳозланган 15 та спорт иншоотида ўтказилади, — дейди ташкилий қўмита аъзоси, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ҳаёт Каримов. — Қатнашчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Вилоятимизда катта ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Асосий баҳслар ўтадиган марказий «Фарғона» ўйингоҳи буткул янгича қиёфа касб этган. Мазкур спорт кошонасининг қурилиш-таъмирлаш ишларига 1 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари ушбу ўйингоҳда ўтказилади. Бу тадбирларда 5 минг нафар мактаб ўқувчиси ҳамда бадиий жамоалар қатнашса, 25 мингга яқин томошабин эса тантаналарни бевосита шу ернинг ўзидан кузатиш имконига эга бўлади.

Демак, ҳар қачонгидан янада кўркам ва гўзал Фарғона мамлакатимизнинг энг истеъдодли ўқувчи спортчиларини, бўлажак спорт юлдузларини кутиб олишга шай турибди.

■ **Эркин ХОЛБОБО,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧ ✧ ✧

Бурҳониддин РИЗО олган суратлар

ЭНЕРГЕТИКАМИЗ «ЮРАГИ»



Корхонанинг пайвандловчиси Абдужамил Сафаралиев иш устида.

Трансформаторни электр қуввати тармоқларининг юрагига таққослашади. Чирчиқ шаҳрида бундай маҳсулотни тайёрлаб чиқарувчи корхона меҳнат жамоаси мана 60 йилдан буён мамлакатимиз энергетикасининг оғирини енгил қилиб келмоқда.

Корхона 10, 35, 110 кВ. босимли, 25 дан 63000 кВА. қувватгача бўлган кучланишли трансформаторлар ва комплектли трансформаторлар ҳамда кичик станцияларни машинасозлик бозори талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган тарзда тайёрлаб чиқармоқда.

Чирчиқ «Трансформатор» ОАЖ маҳсулотлари мамлакатимиз ва хорижий элларнинг нефть, газ, кўмир, тоғ-кон, металлургия, энергетика ва саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда темирйўл транспорти корхоналарида ишлатилмоқда. Кейинги йилларда корхона маҳсулотлари жаҳоннинг Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Хитой, Мўғулистон, Жанубий Корея, Туркия, Болгария, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонанинг барча русумдаги маҳсулотлари ҳозирги пайтда жаҳон талабига тўлиқ жавоб бермоқда ва кўплаб буюртмачилар диққатини жалб этяпти.

■ **Абдулла ПЎЛАТОВ**

Ишчи Сервер Исмоилов ва бош муҳандис Рушет Абзатов.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — TIHE 2002

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бугун 7-Тошкент халқаро кўргазмаси — «Соғлиқни сақлаш-2002» ўз ишини бошлайди. Мазкур тадбир Англиянинг «ITE Group Plc» халқаро кўргазма компанияси ва унинг мамлакатимиздаги ҳамкори «Itesa-Osiyo» компанияси томонидан ташкил этилган. Уч кун давом этадиган бу кўргазма республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Тибмаҳсулот» акциядорлик жамияти томонидан қўллаб-қувватланган.

MDS-Service, GE Medical Systems, «Stomaservice» Co Ltd сингари кўплаб йирик компаниялар иштирок этадиган «Соғлиқни сақлаш — TIHE 2002» кўргазмасига мамлакатимиз ва қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан, жами ўн мингдан ортиқ киши ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

«БОШПАНАСИЗ» МАШИНАЛАР

ЁКИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ОСТОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН АВТОУЛОВЛАР ВА БУНИНГ КАСРИГА СОДИР БЎЛАЁТГАН АСАББУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА

Тошкент шаҳрида кўпчилик аҳоли кўп қаватли уйларда яшайди. Камина ҳам шундай. Баъзида ярим тунда ёки тонг саҳарда уйимиз тагида турган машиналарнинг тир-тири-ю тарақ-туруқи, мотори ўт олмай ғувиллаши-ю, чийиллашидан уйғониб кетаман. Сўнг кимнингдир деразадан, «эй, жонга тегиб кетдинг-ку, инсофинг борми?», деган ҳайқириғини эшитиб қоламан. Тасаввур қилинг: кимдир ярим тунда ишдан ҳориб келиб, энди кўзи илинган бўлади. Кимдир шундоқ ҳам асаб толиқишидан азоб тортиб уйқу дори ичиб ётган бўлади. Кимнингдир тоби йўқ бўлиши, кимдир чақалоғини зўрға ухлатиб, энди ором олаётган бўлади. Ана шунда туйқусдан юз берган бундай шовқин юракка ханжардай санчилади.

Баъзан фиғонинг фалакка чиққудек бўлиб, дод солгинг келади: Ҳой, инсон, инсофинг борми, озгина ақл-фаросат, маданият борми?.. Ахир қариялар бор, беморлар, эмизикли болалар борку...

Энди, тўғриси автоулов эгасига ҳам қийин. Гараж олай деса, фалон пул, қурай деса ер олиш муаммо.

— Машинани олишга олиб қўйдим. Иложсиз «дом»нинг тагида сақлаяпман. Ишончли жойга қўяй десам, яқин атрофда автомобиллар сақлаш жойи йўқ, — деб қолди ён қўшнилардан бири.— Машина ташқарида тургандан кейин ҳатто уйқуда ҳаловат бўлмас экан. Ташқарида нимадир «тиқ» этса, деразага чопасан.

— Кеч кирди дегунча «дом»имизнинг таги қатор бўлиб машиналарга тўлади. Болалар ўйнашга ҳам жой қолмайди. Саҳардан эса машиналар моторини қиздиришади, тириллатишади, зўриктириб газни босишади, сигнал беришади. Эрта тонгдан асабни бузишади. Шу кайфият билан ишга борасан, — дея гапириб қолди таниқли олимлардан бири... — Ҳайронман, буларни нима қилиш керак?..

Халқимизда «хонадон остонадан бошланади» деб айтилган ҳикматли гаплар кўп қаватли уйларда яшаётганларга ҳам тааллуқли, албатта. Кўп қаватли уйлар остонасининг озода-саришталигига қараб унда истиқомат қилаётганларнинг дид-фаросатига баҳо берилади. Энди ўйланг, ҳар куни кўп қаватли уйларнинг остоналарида қатор-қатор машиналар жой олса, улар ўзларидан заҳарли ис чиқарса, ҳар хил мойларни ерга тўкса-кетса бундан саришталик бўладими?

Тошкент шаҳрининг бозорлари ён-атрофларида автоуловлар сақлаш шаҳобчалари анчагина. Бироқ, шаҳардаги аксарият маҳаллаларда талабга жавоб берадиган бундай майдончалар деярли йўқ. Ҳар бир маҳалла учун шахсий автомашиналар сақланадиган шаҳобчаларни бунёд этиш шунчалик мушкулми?

Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, айни кезда пойтахт аҳолиси қўлида 283.662 та шахсий автомобиллар мавжуд экан. Шаҳар гаражлар бошқармаси раҳбари Валерий Мкртичевнинг таъкидлашича, 50 минг шахсий автогараж, шунингдек, очиқ майдонда 908 та машина сақлаш жойлари фаолият кўрсатади. Очиқ майдончаларнинг аксариятида тунда шахсий машиналар сақланмас экан. Демак, рақамлардан ҳам маълумки, шахсий автомобилларнинг аксарияти биз юқорида тилга олган кўп қаватли уйларнинг тагида «яшашга» мажбур.

Масалага дахлдор мутасаддилар, бу муаммодан бехабарми? Асло, ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Ҳамма бало шундаки, бефарқмиз, лоқайдмиз. Ташаббускорлик етишмайди. Ташаббус бор жойда баъзан бюрократик ғовлар халақит беради. Нима бўлганда ҳам биз бу муаммога жамоатчилик фикрини қаратмоқчимиз, шу масала ижобий ҳал бўлиши тарафдоримиз. Чунки бундан, энг аввало, аҳоли азият чекаяпти. Иккинчидан, машиналарнинг кўп қаватли уй-жойлар тагида туришидан антисанитар ҳолатлар юзага келаяпти, аҳоли истиқомат жойида ҳаво заҳарланаяпти, учинчидан, ўғирлик ва майда безориликка йўл очилмоқда...

— Ҳақиқатан, кейинги кезларда автомобиллар билан боғлиқ ўғирликлар бирмунча кўпайди, — деди Тошкент шаҳар ИИББ, жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмуҳаммад Акромов.

Шу ўринда айрим таклифларимизни ҳам билдирмоқчимиз: ривожланган хорижий мамлакатларда бу муаммо аллақачон ҳал бўлган. Автоуловларни сақлайдиган қават-қават бинолар яратилган. Шу тажрибалардан фойдаланса бўлмайдими? Тўғри, маблағ керак. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда ҳар бир маҳаллада усти очиқ майдон қуриш мумкин-ку. Энди ҳисоблаб кўрайлик, пойтахтимизнинг ўзида қанча машина бор? Уларни сақлаш учун бир кеча-кундузга юз ёки икки юз сўмдан ҳақ олинса қанча бўлади? Республика бўйича-чи? Агар бундай майдончалар ёнида машиналарни ювадиган, енгил техник хизмат кўрсатадиган шаҳобчалар ташкил этилса-чи? Эҳтимол, бу ишлар тадбиркорлар қўлидан келар. Ўйланса, изланса ҳар қандай муаммонинг ечими топилади, албатта.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХОТИРА

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

«МЕН УЧУН ЙИҒЛАСИН, МЕН ЙИҒЛАБ БЎЛДИМ»

Етмишинчи йилларнинг куз ойлари эди. Адабиётшунос олимлар — Ҳомил Яқуб, Собир Мирвалиев, Ғаффор Мўминовлар билан биргаликда Миртемир оғамлар вилоятимиз (Сирдарё)га «Ўзбекистон овози» (аввалги «Совет Ўзбекистони») газетасининг йўлланмаси билан ташриф буюрдилар. Ўша даврда бу газетанинг редактори атоқли ёзувчи, жонкуяр раҳбар раҳматли Иброҳим Раҳим, газетанинг адабиёт ва санъат бўлими мудири раҳматли Йўлдош Шамшаров эдилар. Шундай қилиб вазифа нуқтаи назаридан меҳмонларни кутиб олдим. Қудрат Аҳмедов область партия комитетининг биринчи секретари. Қудрат ака академик шоир Ғафур Ғуломнинг куёвлари бўлгани важидан ёзувчилар у кишини куёвимиз, дер эдилар. Унингсиз ҳам Тошкентдан келган адабиёт ва санъатга алоқадор кишиларни у киши алоҳида кутиб олар, иззат-икромларини жойига қўяр эдилар. Қўйинг-чи, келган меҳмонларга алоҳида илтифотлар кўрсатилди. Қайси район, қайси хўжаликларда бўлишимиз белгиланди. Янги «Волга» — «ГАЗ-21» меҳмонлар хизматида. Хўжаликларга чиқмай туриб меҳмонларни Гулистон шаҳри бўйлаб айлантирдик. Гулистонни шаҳар деяпману бироқ шаҳарлик сиёҳи бўлса кошки эди. Обком биносининг шундоқ биқинида қияқ десангиз қияқ, қамиш десангиз қамиш, мана, мани кўрдингми, деб кўк билан бўй-бўйлашиб турар эди. Бошқа томонларни-ку қўяверинг. Сабаби маълум: бирор қурилиш бошлаш учун фатвони Москвадан олиш керак эди. Бу гапнинг лофи ҳам йўқ, сопи ҳам йўқ, алафи ҳам йўқ, мен сизга айтсам. Ҳуллас, меҳмонларга вилоят маркази — Гулистон шаҳрининг баланд-пастини, тор кўча — хор кўчаларни кўрсатган бўлдик. Шаҳарнинг бор-йўғи биргина шоҳ кўчаси бор эди. Коминтерн номли. Бу кўча темир йўлга бориб тақалади. Кўча охирида Фрунзе ҳайкали. Баландлиги бўлмаганда ўн метр. Ана энди шу ерда жиндай тўхталамиз. Ҳайкални меҳмонлар кўрган бўлишди. Зўр! Зўр, деган бўлишди. Биргина Миртемир оғанинг кайфияти бошда билинар-билинмас ўзгарди. Астагина — эшитилар-эшитилмас қилиб, тавба, деб қўйдилар. Сўнг қош-қовоқлари салгина уюлгандай бўлди. Сўнг мендан сўрадилар:

— Тўра, шаҳарда Навоий номли кўча борми? Бирон-бир ўрта, олий даргоҳи борми?

Тўсатдан бундай саволни кутмаганим туфайли довдираб, эсанкираб қолдим-да, бўлиши керак, дедим. Шундай дегин-а, деди ҳазрат. Сўнг жим бўлиб қолдилар. Сазаси қайтмасин деб, Навоий номли мактаблар бор, дедим, бироз ўзимни ўнглаб олиб. Шу ҳам бўлмасинми, дедилар. Мен эса тек. Энди домланинг кайфияти тамоман бузилиб бўлган эди. Мен домланинг нима демоқчи бўлаётганларини англамас эдим.

Шаҳардан «Красная заря» колхозига йўл олатуриб машойих сифатли шоир ички бир дард ила аллақандай умидми, ишончми оҳангида шундай дедилар:

— Шаҳарнинг номи яхши экану бироқ ёмон

1

итнинг оти Бўрибосар бўлармиш, деганларидай, ҳар бир нарсанинг эгаси, бунёдкори бўлганидай бу шаҳар ҳам эгасини кутиб ётибди, шекилли. Вақт келади. Шаҳар ўз номига яраша гўзал бир шаҳарга айланади.

Бизни колхоз раиси Абдуназар Турдиев кутиб олдилар. Колхознинг жаннатмонанд боғи бор эди. Боғ ўртасида икки қаватли меҳмонхона. Меҳмонхонанинг шундай биқинида сарҳовуз. Сарҳовуз теграсида мажнунтоллар. Бу ер меҳмонларга хуш ёққандан хуш ёқди. Кечки зиёфат бошланди. Бўлди гурунг. Во-вой-ў-й! Колхоз раисининг чечанлигини кўрсангиз эди, ҳангомасини эшитсангиз эди.

Суҳбат, ҳазил-ҳузул айни қизиганда атоқли олим раҳматлик Ҳомил Яқуб колхоз раисидан, нега хўжаликларингизни номи «Красная заря» деб сўраб қолса бўладими? Абдуназар ака, энди, энди... бу бизга боғлиқ эмас, домла. Бизга боғлиқ бўлганида эди, нима деб ном қўйишни билар эдик, деган жавобни бердилар. Даврага сукут чўкди. Саволга Миртемир ака жавоб берган бўлди:

— Бора-бора ўғил-қизларимизнинг исмларига ҳам, жойларимизнинг номларига ҳам қизилни қўшиб айтамиз чоғи — Қизилсоч, Қизилкўз, Қизилқош, Қизилқўрғон, Қизилой...

Қизилсочим ўсиб қизил қошимга тушди...

Қизилбўта, Қизилбилак, Қизилтол, Қизилтош. Бу — инсофдан эмас. Хеч қачон, хеч замонда «юқори»дан бундай майда кўрсатмалар берилмайди. Ўзимизда ҳам бало кўп. Ёлвориб, ёлтоқланишлар, яхши кўринишлар, ўзимизни ўзимиз ватанпарвар қилиб кўрсатишлар. Домла қизишиб қолгандай эди....

Эрталаб меҳмонлар дам олгани тоққа — «Буқабулоқ»қа отланишди. Бироқ домланинг ошқозон яраси қўзиб, тоққа боролмай қолдилар. Мен у кишининг ёнларидан жилмадим...

Меҳмонлар Тошкентга қайтишди, барибир, таъб-табиатлари сал хира бўлиб қайтишди. Сабаби: жонларидан ҳам яхши кўрар шериклари хасталаниб қолган эди. Мен ҳам меҳмонлар билан биргаликда Тошкентга боришга мажбур эдим. Оқсоқол шоиримизникига бориб, бўлган воқеани ойим (кеннойим)га айтиб бердим. Ойим, Тўра, ҳали ҳам акангизнинг бу галги приступи сал енгил кечибди. Оҳ бази бир пайтлардаги аҳволини бир кўрсангиз эди, деб ўзларининг қўлбола муолажаларини қилишга киришдилар.

Устози Комилнинг «Беморлигимда» шеърлари ўша тоблари қочиб қолган кунлари дард аралаш дунёга келган эди.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қовирилмай то ғашлик исканжасида.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай қўланкасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайин.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин мен йиғлаб бўлдим.

Келажакда катта шов-шувларга сабаб бўлажак бу машҳур шеърнинг биринчи қораламасини ўқиш менга муяссар бўлган эди. Бироқ шеър ўта хавфли эди. Хатарли эди. Чунки у вақтларда:

Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

дейиш, яна тўғрироғи, йиғлаш мумкин эмас эди. Фақат ва фақат, биз бахтиёрмиз, дейишдан нарига ўтиб бўлмас эди. Ичингда йиғласанг-да, сиртингда кулиб туришинг керак эди. Советлар замонида бундай дейиш — тана-тўшингни, жисму жонингни тиғи фарронга тутиб бериш, бошингни кундага қўйиб бериш деган гап эди. Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидай унинг интиҳоси ҳам бўлади. Қорин қайғуси — қозонгача. Қадр қайғуси — қабргача. Бу қадрсизликларнинг чеки борми ўзи, чегараси борми ўзи. Одамга ўхшаб яшаш мумкинми ўзи, деган гапларни айтиш дахшатли империянинг борлиқ сиёсатига қарши билдирилган раддия, деб қабул қилинар эди. Шеърнинг шу иккигина сатри ана шундай раддия эди. Шеър шоирнинг Сирдарёга шу келишида ёзилган «қоралама»лар (гап фақат шу шеър ҳақида бораётгани учун бошқа шеърлаларининг «таржимаи ҳоли» ҳақида тўхталмадим) билан «Ўзбекистон овози» (аввалги «Совет Ўзбекистони»)да чиқди. Бу шеър катта шов-шувга сабаб бўлди. Дарвоқе, бундай шеърни матбуотда қўрқмай-нетмай эълон қилиш учун газета редакторининг юраги отнинг калласидай бўлиши керак эди. Ўша йиллари газета-журналларда нима гаплигини Ўзбекистон Марказий Комитетига оқизмай-томизмай етказиб турувчилар ҳам, худо ярлақаб, ўзларини билиб-билмасликка олиб қўя қолдилар, шекилли.

2

Шугина икки сатр жонидан тўйиб бўлган шоирнинг ҳам туғёни, ҳам башорати эди. Гулистон шаҳрига ўша биринчи келган кунлари Коминтерн кўчаси билан Фрунзе ҳайкалларини кўздан кечира туриб асабийлашганлари ва мендан бу шаҳарда ҳазрат Навоий номлари билан аталадиган бирон жой борми, деб сўраганлари, «Красная заря» колхозида эса бу «дард»ни кўтаролмай чинакамига «бемор» бўлиб қолганлари, энди ўйлаб қарасам... Чўлпон ўз вақтида, етар бас ҳаддан ошгандир бу қарғиш, бу ҳақоратлар, деганларидай, энди бу ёғига чидаб бўлмайди, деганлари экан. Ҳозир ўша Коминтерн кўчаси валилуллоҳ Навоий ҳазратларининг номлари билан аталади. Фрунзе ҳайкали ўрнида ҳам шоирлар пири буюк Навоий! Шаҳарни эса ўн йил бурун кўрган одам бугун таний олмайди. Гулистон, айниқса 1997-99 йилларда ҳақиқий Гулистонга айланди. Бунга эл гувоҳ. Ё раҳмон! Афсус, минг афсус, бу кунларни кўриш замонамизнинг машойиғига насиб қилмади. Йиғлай-йиғлай қазган ариқларидан ўйнаб-кулиб сув ичолмай кетдилар.

«Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида»ги Президентимиз Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган улуғ ижодкорлар қаторида шеъриятимиз байроқдорларидан бири устоз Миртемир бузруквор-ларининг ҳам номлари борлигидан бир муҳлиси сифатида бошим кўкка етди. Қаторқатор унвонларни, мукофотларни олганимда ҳам бунчалик телбаларча қувонмаган эдим. Кўзларимдан қувонч ёшлари селдай қуйилмаган эди. Худо ҳаққи! Буюк шоир сиймоси қайта-қайта кўз ўнгимда намоён бўлди. Ширин, доно суҳбатларини эсладим. Шеър ўқиб турган ҳолатлари хотирамда жонланди. Жавондан китобларини олиб кўзларимга суртдим. Минг марта ўқилиб ёд бўлиб кетган сатрлар дилимдан тилимга отилиб чиқа бошлади:

Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим...

Бу сўзлар замирида қанчалик оғир дард, армон борлигини энди ҳар қачонгидан чуқурроқ англаяпман.

РИВОЯТ

Ҳазрат Исо пайғамбар Тур тоғида Худо билан роз айтиша туриб:

— Мен сендан зўрман, — дебдилар.

— Йўғ-е, — дебди Худо.

— Мен сендан зўрман, — дебди яна Исо пайғамбар.

Бундан Худонинг қаҳри келиб тоғлар титрай бошлабди. Қоялар қарсиллиб, қасирқусур қилиб қулай бошлабди. Сўнг Худо. Сабаб, дебди. Сабаби, дебдилар Исо пайғамбар, менинг сендай Худойим бор, сенинг кимиинг бор? Ҳазрат Исо пайғамбарнинг бу гаплари Худога хуш ёқиб, қаҳри мехрга айланиб тоғу тош яна ўз ҳолига келибди.

Сизу бизнинг кимимиз бор, деган саволга шундай жавоб бергим келади:

Муқаддас ва муборак она-Ватанимиз бор.

Жонажон халқимиз бор.

Фахрланса арзигулик ўтмишимиз бор.

Жаҳонни танг қолдириб ўтган улуғ аждодларимиз бор.

Ва буюк келажагимиз бор.

Шу ёруғ кунларни орзу қила-қила армонда ўтган улуғ зотларимизнинг орзуларини рўёбга чиқараётган, барчамизни оқ ва ойдин йўлга бошлаб бораётган шер юракли Юртбошимиз бор!

3

ПРЕЗИДЕНТ МАЪМУРИЯТИ ХИЗМАТЧИСИНИ КАЛТАКЛАБ КЕТИШДИ

Россия Президенти маъмуриятининг 52 ёшли маслаҳатчиси Катеринчукни ўз уйи олдида, аниқроғи, Рублевск шоҳкўчасидаги 16-уй, 3-корпус ёнида икки безори калтаклаб кетишди. Москва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари шанба куни хабар беришларича, безорилик кечки соат 22.30 ларда содир этилган. 10 минутдан сўнг эса безорилар қўлга олинган. Улар 1978-79 йилларда туғилган йигитлар бўлиб, ҳеч қаерда ишлашмас экан. Воқеа сабаблари аниқланмоқда.

ЯНА АВИАҲАЛОКАТ



Миландаги осмонўпар «Пирелло не» биносининг 25 ва 26-қаватларида Италия қутқарувчилари текширувни давом эттиришмоқда.

Гап шундаки, пайшанба куни кичик шахсий самолёт шаҳар марказидаги ушбу бинога келиб урилган эди. Натижада 3 киши ҳалок бўлган, шу жумладан, учувчи ҳам. 30 га яқин киши жароҳатланган. Яхшиямки, авиаҳалокат кечқурун юз берган, дейишмоқда мутахассислар. Акс ҳолда қурбонлар сони ортиб кетарди, негаки, бу бинода 1,5 мингдан ортиқ одам ишлайди. Жумладан, Ломбардия ҳудудий ҳукуматининг вазирлари ҳам шу бинода иш олиб боради.

Аниқланишича, самолёт штурвалида Локарно шаҳридаги аэроклуб аъзоси, 67 ёшли швейцар Жино Фазуло бўлган. У «Роквелл-112» русумли шахсий самолётида Миланга йўл олган. Фалокат юз беришидан аввал SOS сигнали орқали ёрдам сўраган, яъни самолётни бошқаришни назорат этолмаётгани тўғрисида.

Жино Фазулонинг ўғли Италиянинг «Республика» газетасига берган интервьюсида айтилишича, отаси молиявий муаммо сабаб ўз жонига қасд қилган. Буни текшириш учун эса Италия прокуратураси ходимлари Локарнога жўнаб кетишган.

«ВАЗ» АВТОМОБИЛЛАРИ ҚИММАТЛАШДИ

Россиянинг енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик корхонаси — «АвтоВАЗ» ОАЖ 20 апрелдан бошлаб барча русумдаги автомобиллари нархини ўртача 1,85 фоизга оширди. Жумладан, «ВАЗ-2120» русумидаги автомобиллар 10 минг рублга, «ВАЗ-2110» эса 6 минг рублга ва «ВАЗ-2114» ҳам шунча миқдорга қиммат лашди.



■ Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

БЎҒОЗ ОСТИДАН ЕРОСТИ ЙЎЛИ

Европа ва Осиёни ажратиб турувчи Босфор бўғозида ерости йўли қурилиши 2003 йил май ойидан бошланади. Тунел қурилиши 4 йил давом этади, дея хабар беради Туркия транспорт вазири Октал Вурал Японияга қилган визити сўнггида. 13,3 км. узунликдаги ерости йўли 2007 йилда расмий очилишига ва шундан сўнг Босфорнинг икки қирғоғида жойлашган Истанбул шаҳрида транспорт муаммолари ўз ечимини топишига ҳукумат умид билдирмоқда. Бундан ташқари ерости йўлини лойиҳалаш ва унинг қурилишида Япония компаниялари иштирок этиши эвазига мазкур бунёдкорлик учун Япония кредит ажратишига ҳам умид қилишмоқда.

Зилзила камдан-кам бўладиган бу ҳудудда ҳозир сейсмологик тадқиқот ва қузатувлар олиб борилмоқда. Бу иш сентябргача якунланади.

ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

«РусПромАвто» машина қурилиш-холдинг ва унинг таркибига кирувчи «Горький автомобиль заводи» ОАЖ билан Италиянинг «Fiat» концерни таркибидаги IVECO фирмаси ўртасида 2007 йилгача мўлжалланган ҳамкорлик битими имзоланди.

«Сибал» саноат-инвестиция гуруҳи президенти Олег Дерипаска матбуот конференциясида маълум қилишича, ҳамкорлик битимининг биринчи босқичида қўшма корхона тузиш ва унда «ГАЗель» ҳамда «Соболь» русумидаги енгил юк машиналари ва микроавтобусларни йиғиш кўзда тутилган. Кейинги босқичда эса оғир юк машиналари ва катта автобуслар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқчи. Бу турдаги автомобилларни йиғиш Горький автозаводида амалга оширилади.

ФИЛИППИНДА АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ

Яқин кунларда яна 300 ҳарбий муҳандислар стратегик объектлар: учиш-қўниш майдонлари, йўллар қуриш учун Филиппинга жўнатилади. Шундай қилиб, Филиппинда АҚШ аскарлари минг нафарга етади. Аввал ҳам, яъни шу йил бошида АҚШ йўриқчи-ҳарбийлари террористларга қарши кураш борасида филиппинлик аскарларга ёрдам бериш ва ҳарбий услубларни ўргатиш учун жўнатилган эди.

СИГИР ҚУТУРИШИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БИРИНЧИ ОДАМ

Америка соғлиқни сақлаш органлари ходимлари сигир қутуриши билан биринчи бор касалланган 22 ёшли аёлни ўрганишни бошлашди. Асли Буюк британиялик бўлган бу бемор ҳозир Флоридада яшайди.

Флорида соғлиқни сақлаш департаменти вакилининг айтишича, аёл қутуриш вируси билан мамлакатдан ташқарида зарарланган. Негаки, қишлоқ хўжалиги департаменти берган баёнотга кўра, Америкада касаллик қўзғатувчи вируслар деярли учрамайди. «Биз аниқ ишонамизки, аёл Буюк Британияда яшаётган даврида ўзига инфекция юқтириб олган» дея баёнот беради, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти раиси Алиса Харрисон.

ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими ҳузурида ташкил этилган миллий қўғирчоқлар театр-студияси жамоаси Германиянинг Берлин ва Мюнхен шаҳарларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этдилар. Бўронжон Аббаров раҳбарлигидаги санъаткорлар «Афанди ва қозон», «Тўй» спектаклларини намойиш этиш орқали томошабинларни халқимиз урф-одатлари билан таништирдилар.

■ Даврон БАҲРОНОВ

«ЧАҒОНИЁН ТАРИХИ» БОСМАДАН ЧИҚДИ

Тошкент Ислом университети ҳомийлигида «Чағониён тарихи» китоби «Тошкент Ислом университети» нашриётида босмадан чиқди. Китоб Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган. Уни таниқли журналист Абдиназар Хидиров нашрга тайёрлаган.

«Ушбу тарихий мажмуани тузишда каминага холисона кўмаклашувчилар бўлди», — деб ёзади китоб муқаддимасида А.Хидиров. — Денов тумани «Чағониён» газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажонов ушбу тўпламнинг тайёрланишида ташкилотчилик қилди. Бу олижаноб ва хайрли ишда республика Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари катта ёрдам кўрсатдилар. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтидан академиклар Г.Пугаченкова ва Э.Ртвеладзелар ўзларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилишга миннатдорчилик билан рухсат беришди.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ —
битта автомобиль пулига
ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг:
автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.
Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

ШЕЪР ВА ШУУР

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ЯПРОҚ БИЛАН СИРЛАШАДИ

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

БУГУН СЕНИНГ КУНИНГ...

Бугун сенинг кунинг, онажон, она,
Чечакларга тўлдир кўнгил юртини.
Ўзинг қай беҳиштта бўлдинг равона
Бизга мангу бериб Мангубердини.
Мангу кўринмайсан, мангу ёнасан
Жалолиддинларни туққан онасан!
Темур шони қолди дунё тургунча
Томошага ерга тушди ҳатто кўк.
Фақат сен кўриниш бермадинг унга
Сен шўх ороланиб кўринганинг йўқ!
Ўзинг билганмидинг шон туққанингни
Туркий тупроқларга туғ тикканингни!
Навоий навоси жонларга инди,
Юз-юз йиллар оша шоирлар олди.
Алишернинг номин ўпдик, юриндик,
Сенинг номинг эса ниҳонда қолди.
У келди. Ишқ бўлди. Бир илоҳий байт,
Кейин Ўзинг нега кўринмадинг, айт?
Сунбул сочларини қирқталиб, ўриб
Гўдагин пойига тўшаган она.
Дунёга қуёшлар, даҳолар бериб
Ўзи ердай жим-жим яшаган Она.
Муҳаммад жойламиш ҳикмат, шиорга
Шараф аввал она, онаизорга!
Она, энг аввал сен шарафга лойиқ,
Тоабад Пайғамбар севгисида балқ.
То она этагин ўпсин халойиқ
То бошда кўтарсин Онасини халқ
Озғин елкаларин қучиб кўтарсин,
Жаннат жилғаларин кечиб кўтарсин!

ВАТАНДИР БУ...

Оллоҳ, Оллоҳ Эранларнинг
Сўзи қолган Ватандир бу.
Бўзлаб ўтган тўрғайларнинг
Бўзи қолган Ватандир бу.

Юрт деб отга қамчи урган,
Ўққа учган не руҳу тан,
Кўзимга тик қараб турган,
Кўзи қолган Ватандир бу.

Кечиб сарҳад, уммонларни,
Кўрсам-да тик иймонларни,
Кишан узган арслонларни,
Изи қолган Ватандир бу.

Гарчанд жаранг, гарчанд сукут...
Қон, шон билан олинган юрт,
Тишларида қурашнинг ўт,
Музи қолган Ватандир бу.

Бу ер кимнинг, бу кўк кимнинг,
Эгаси бор ҳар ўт, чимнинг,
Ўз ерида Ўзбегимнинг,
Ўзи қолган Ватандир Бу.

БИР ҲИКМАТ БОР...

Жим оғочлар жим тоғ билан сирлашади,
Қалдирғочлар япроқ билан сирлашади.
Қалдирғочлар тупроқ билан сирлашади,
Бир ҳикмат бор, бу онларда, бир ҳикмат бор.
Кексалар-у кенглик қилар, кенгаштирар,
Тўқу очни яқинлатар, тенгаштирар.
Сочин ҳиди шамолларни эргаштирар,
Бу сўлим қиз, жувонларда бир ҳикмат бор.
Музлари ҳам қўнгилга ўт солиб кетар,
Қаён кетса — шоён кетар, ғолиб кетар
Бизни қайси музофотга олиб кетар,
Бу дарёйи уммонларда бир ҳикмат бор.
Отда учса, ҳатто кўкда қуш ўксинган,
Қурбонжони булут янглиғ тоғдан инган.
Кенагаси Насруллодай касни енгган,
Шу Туркистон томонларда бир ҳикмат бор.
Мусичалар палопонин «учир»лади,
На оғоч, дил, суяккача гичирлади.
Эшитдим, тошни ёрган Ўт пичирлади:
«Бу Эрк, омон-омонларда бир ҳикмат бор».

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

«ҚОР КЎП ТУШДИ, СУВ МЎЛ БЎЛАДИ»

Баҳор серёғин келди. Бироқ икки йилдан буён қурғоқчилик азобини тортган деҳқонлар билан суҳбатлашар экансиз, хавотирини яширмайди. Бу йил тоғларга қор мўл тушганмикан? Айни экин сув «сўраганда», оби ҳаёт танқис бўлиб қолмасмикан?

— Об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар умидли. Қор ҳам ёмон ёғмади, — дейди Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Шомурод Сатторов. — Аммо ўтган йилга қараганда таъминотнинг яхши бўлишини фақат сув омборларида етарли сув жамғарилганда айтиш мумкин.

Бошқа мутахассислар, тажрибали деҳқонлар, кўпни кўрган кексалар билан суҳбатлашганимда ҳам умидворликни сездим. Табиатдаги айрим белгиларга қараб, иқлим ўзгариши, йилнинг қандай келишини олдиндан айтиб бера оладиган донишмандлар бўлган-ку! Ахир, табиат китоби минг йиллар давомида ўқиб-ўрганилган. Масалан, зилзила олдидан айрим ҳайвонлар безовта бўларкан. Кексалар қалдирғоч пастлаб учса, ёмғир ёғади, дейишади. Китоб туманидаги машҳур «Варганза» боғдорчилик ширкатининг боғбонлари орасида осмонда асаларининг қушандаси бўлган куркурак (шундай аталиб кетган) деган қушни кўрмаси ток ёки анор устини очиш керак эмас қабилидаги нақл тарқалган. Айтишларича, бу қуш осмонда кўрингандан кейин, дарахтлардаги ҳосил нишоналарини уриб кетадиган кучли совуқ бўлмас экан. Бу каби кузатишлар озмунча эмас.

Эсимда, бунга ўн йилдан ошди. Ўшанда баҳор эди. Яккабоғ туманининг Ҳисор тизма тоғлари адирларида жойлашган айрим қишлоқларда кучли тупроқ кўчиши юз берди. Бир неча кун туриб, табиатнинг қалтис синовларига лол қолганман. Йўллар сурилиб, жарликлар ҳосил бўлар, палахса-палахса кўчган тупроқ айрим уйларнинг томи билан тенглашиб қоларди. Хусусан, «Гулдара» қишлоғида шундай аҳвол кузатилди ва одамлар бошқа қишлоқларга кўчирилди. Кексалар кечқурун чироқ ёқиб, сойлардан келаётган сувнинг камайишини кузатиб туришарди. Улар айрим аломатларга қараб, табиий офатнинг тўхташини олдиндан билишаркан.

Ҳисор тизма тоғларидаги бу жой иқлим ўзгариши, сув мўл бўлишини кўрсатадиган ўзига хос табиат барометри вазифасини ўтаркан-да.

— Биз асли ўша жойдаги «Зармас» қишлоғиданмиз, — дейди Яккабоғ тумани ҳокимлиги умумий бўлим мудири Эшмўмин Ҳотамов. — «Вори» қишлоғи ҳам ёнма-ён. Яқинда бобом тоғдан тушиб келганди. Унинг айтишича, кейинги етти-саккиз йил орасида бу қадар кўп қор ёғмаган экан. «Бешнов» дараси ҳам, «Масжидтош» ҳам қорга кўмилиб кетибди. «Қор кўп тушди, сув мўл бўлади», дейди бобом...

«Табиатда ҳамма нарса мукаммал, фақат унга ниҳоятда яқин бўлган инсонгина буни англай олади», деган экан бир адиб. Демак, табиат китобига, халқ донишмандлигига ишонмоқ керак. Улар сув мўл йил қут-баракали бўлишидан дарак бермоқда. Яна бир гап. Юқорида тилга олинган тоғ қишлоқлари «Ҳисор» отчилик хўжалигига қарашли. Яйловларда қорабайир зотли отлар кезиб юради. От йили, ахир. От эса муродбахшдир.

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«АТТОРЛИК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

КУЗАТУВ КЕНГАШИ 2002 ЙИЛ 22 МАЙ СОАТ 11.00 АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият раисининг 2001 йил бўйича жамият фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият ташқи аудиторининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2001 йил балансига тегишли ҳисоботни тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йилдаги баланси ҳамда фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш 22 май соат 9.00 да бошланади.
Телефон 48-52-85.
Жамият манзили: Тошкент ш., Жомий кўчаси, Мавзук дўкони тор кўчаси, 20 уй.

«Атторлик» ОАЖнинг 2001 йилги бухгалтерия баланси

	АКТИВ			ПАССИВ	
1.	Асосий воситалар қолдиқ қиймати	5134	1	Устав капитали	11693
2.	номоддий активлар қолдиқ қиймати	1562	2	Тақсимланмаган фойда	3388
3.	Узоқ муддатли инвестициялар	34152	3	Резерв капитали	32731
4.	Ишлаб чиқариш заҳиралари, олиб сотилган товарлар	8684	4	Узоқ муддатли қарзлар	4832
5.	Келгуси давр сарфлари	73	5	Кредиторлар	20011
6.	Пул маблағлари	20068	6	Бюджет билан ҳисоблашишлар	3573
7.	Дебиторлар	8877	7	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	916
			8	Ижтимоий суғурта, таъминот ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	1406
	Жами	78550		Жами	78550

«ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН» ОАЖНИНГ 2001 ЙИЛДАГИ БАЛАНСИ

(минг сўм)

№ п/п	АКТИВ	минг сўм	ПАССИВ	минг сўм
1.	Асосий маблағларнинг қолдиқ қиймати	30271	Низом жамғармаси	128519
2.	Банк акциялари	10	Заҳирадаги маблағ	108247
3.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	287277	Тақсимланмаган фойда	75356
4.	Пул маблағлари	26939	Мақсадли тушумлар	19769
5.	Дебиторлар	544553	Кредиторлар	557159
6.	БАЛАНС	889050	БАЛАНС	889050

«Темирйўлтаъмин» ОАЖ ихтиёрида 2001 йил учун қолган соф фойда — 18389 минг сўм.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Футбол бўйича мамлакат XI миллий чемпионати олтинчи тур учрашувлари «Пахтакор» (Тошкент) — «Қизилқум» (Зарафшон) жамоалари ўйини билан ниҳоясига етди. Ушбу турнинг марказий беллашуви сифатида ҳам мазкур учрашув эътироф этилди.

Чемпионликка асосий даъвогар саналаётган бу икки жамоа баҳси кутилганидек шиддатли кечди. Аммо чемпионат учрашувларини қаторасига ғалаба билан бошлаган зарафшонликларнинг Тошкентда йирик (0:4) ҳисобда мағлубиятга учрашини ҳеч ким кутмаганди. Ўтган турда Фарғонада «Нефтчи»га имкониятни бой берган (1:2) «Қизилқум» футболчилари руҳий жиҳатдан ўзларини ўнглаб олмаган кўринишади. Ўйиндан ўйинга очилиб бораётган пахтакорчи Неъматулла Куттибоев, Сарвар Жеперов, Тимур Копадзе, Владислав Кирьянлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, зарафшонликлар дарвозасини тўрт бор аниқ нишонга олишди. Олтинчи учрашувда ҳам ғалаба нашидасини сурган «Пахтакор» очколари сонини 18 тага етказди ва якка пешқадам бўлиб турибди.

Турнинг кутилмаган натижаси эса Бекободда «Металлург» — «Нефтчи» ўйинида қайд этилди. Шу учрашувга қадар бирор марта ҳам зафар қучмаган мезбонлар донгдор жамоани 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Қўқон-1912» — 2:0, «Самарқанд-Д» — «Зарафшон» — 1:0, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 0:4, «Навбаҳор» — «Дўстлик» — 3:1, «Андижон» — «Сурхон» — 4:2, «Машъал» — «Насаф» — 0:2. Еттинчи тур учрашувлари 27 апрель куни бўлиб ўтади.

■ Мансур ШУКУРОВ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 24 МАЙ, 7 ИЮНЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси, 35-уйда жойлашган Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 03-29 ТНД бўлган «Кубанец» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 306 225 сўм.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.

ТЕЛЕФОНЛАР: 144-44-73, 144-71-78.

ОАО «ТРЕСТ 12»

Наблюдательный совет и правление ОАО «Трест 12» сообщает, что годовое общее собрание акционеров состоится 28 мая 2002 года по адресу: г. Ташкент, ул. Узбекистанская, 16 а. Дата закрытия реестра акционеров 28 апреля 2002 г. Регистрация акционеров состоится 28 мая 2002 г. с 14.30 до 15.45. Начало собрания в 16.00.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

☑ Отчет правления о финансово-хозяйственной деятельности общества за 2001 г. Утверждение бухгалтерского баланса.
☑ Утверждение заключения ревизионной комиссии.
☑ Утверждение заключения аудиторской проверки.
☑ Распределение прибыли (чистой) общества за 2001 г.
☑ Внесение изменений и дополнений в Устав общества в связи с открытием нового филиала акционерного общества.
☑ Довыборы членов правления.
☑ Разное.

- **БАЛАНС**
- **ОАО «Трест 12» на 01.01.2002 года**

АКТИВ	(тыс. сум)	ПАССИВ	(тыс. сум)
1. Основные средства	218524	1. Уставный капитал	33630
2. Нематериальные активы	295	2. Добавленный капитал	90036
3. Капитальные вложения	274877	3. Нераспределенная прибыль	214595
4. Долгосрочные инвестиции	6972	4. Целевые поступления	284805
5. Оборотные активы	3679720	5. Обязательства	3551459
		6. Чистая прибыль	60107
Итого:	4180388		

БАЛАНС ПОДТВЕРЖДЕН НЕЗАВИСИМОЙ АУДИТОРСКОЙ ФИРМОЙ ООО «ДАНО АУДИТ».

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК

СИЗЛАР УЧУН

Бўш пул маблағларингизни депозит сертификатларга қўйиш имкониятини қуйидаги шартлар асосида таклиф этади:

Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган.
«Асака» банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўланиши бўйича кафолат беради.
Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.
«Асака» банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз «Асака» банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларида бевосита олишингиз мумкин.

Шу билан бирга, сертификатларни «Асака» банкининг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сотиб олишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
9 ойга	25%
6 ойга	24 %
3 ойга	22 %
1 ойга	20 %

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
6 ойга	40 %
3 ойга	36 %

Тошкент шаҳри бўйича банк манзиллари ва телефонлари.
Бош офис: Тошкент ш.; Нукус к., 67-уй, *телефон: 120-82-26.*
Тошкент шаҳар бўлими: Тошкент ш., А.Қаҳҳор к., 73-уй, *телефон: 120-83-73.*
Автотранспорт филиали: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 14, *телефон: 120-81-97.*
Тошкент вилоят филиали: Тошкент ш., И.Оқилов к., 40-уй, *телефон: 120-84-08.*
Юнусобод филиали: Тошкент ш., Чимкент тракти, 79-уй, *телефон: 125-11-06.*
Сирғали филиали: Тошкент ш., Массон к., 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали: Тошкент ш., Навоий к., 18-уй, *телефон: 120-84-31.*

Жиззах вилояти Фориш туманидаги Ал-Хоразмий номли 29-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Нурқулов Адҳам Ярашбоевич номига берилган № 002323 рақамли аъло даражали шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Халқаро Кураш институти жамоаси институт ўқитувчиси Холмуродали Мубораковга волидаи муҳтарамаси

ҲАЛИМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA